

МУХТОР АШРАФИЙ – МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ФАХРИ.

Бухоро шаҳар ИСМИ мусиқа бўлими, мусиқий-назарий фанлар ўқитувчиси

Нарзуллаева Нигора Насуллоевна

Нуруллаева Мамура Мансуровна

Аннотация. Ўзбек композиторлик ижодиётининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти, бир қатор Давлат мукофотларининг лауреати, Ҳамза мукофоти совриндори, Халқаро Жавахарлал Неру ва Камол Абдул Носир мукофотларининг соҳиби Мухтор Ашрафий ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли композитор, дирижёр, муаллим ва йирик жамоат арбобидир.

Калит сўзлар: композитор, ижод, артист, Мухтор Ашрафий, мусиқа, санъат, муаллим, миллий

Буюк композиторнинг ҳаёти ва ижодкорлик салоҳияти миллий маданиятимизнинг узоқ йиллик тараққиёт йўли билан чамбарчас боғлиқ. Атоқли ижодкоримиз Мухтор Ашрафий ижодий фаолияти давомида турли хил мавзуларга мурожаат қилиб, хилма-хил жанрларда ноёб миллий руҳдаги асарлар яратишга муваффақ бўлган композиторлардан бири эди. У ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ривожини учун биринчилардан бўлиб, йирик жанрдаги бир қатор мусиқий-саҳнавий асарларнинг яратувчиси ва ўзининг ижодий намуналарида илк тажрибаларини амалга ошира олган ислохотчилардан бири ҳисобланади. Хусусан, унинг ўзбек миллий опера, мусиқали драма, балет, симфония, вокал-симфоник, камер- чолғу, кўшиқ ва романс жанрларида яратган кўплаб асарлари замонавий ўзбек мусиқаси тарихида ўчмас из қолдирди. Композитор ижодидан ўрин олган асарларнинг аксарияти ўзининг бетакрорлиги, шаклан ва мазмунан мукамаллиги, замонавийлиги, миллийлик руҳи ила суғорилганлиги билан ажралиб туради ва ҳозирги замон мумтоз маънавий қадриятларимиз қаторида мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Ардоқли композитор ижодий фаолияти давомида миллий оҳанглар замирида бир-биридан гўзал, бетакрор, сўнмас асарлар яратишга муяссар бўлган. Миллий мусиқамиз оҳанглари негизида яратилган кўпгина асарлари қаторида композитор

Ўзининг янгича турдаги ижод намуналарини яратишда миллий анъаналар билан чегараланиб қолмай, балки уларни профессионал замонавий мусиқа ижодиётининг илғор услублари йўлида яратганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Шу боис ҳам, композитор ўзбек мусиқа маданиятининг янгича шакллари ва жанрлари пайдо бўлишига жумладан, миллий руҳдаги илк ўзбек опера, балет, симфония, вокал мусиқа каби асарларнинг шаклланишида мусиқачи-ижодкор сифатида фаол хизмат қилган ҳамда уларнинг тарғиботчиси, яратувчиси деб эътироф этилган. У асосан ижодий фаолиятида мусиқий ғояларни ифода этишда турли хил бадиий мусиқий ифодавий воситалар яъни, мусиқий шакл, фактура, гармония, полифоник воситалар, лад, метро-ритмик тузилмалар ва усулларни, қўллашда ўзига хос услубда ёндашиб, асарларида кўпгина янгиликлар киритишга муяссар бўлган. Натижада композиторнинг тафаккурига хос ижод услуби, композиторлик тили, характерли жиҳатлари юзага келганлигини қайд этиш мумкин. Унинг композиторлик тафаккури ва бадиий услубида Ғарб мусиқа анъаналари негизида ўзбек миллий мумтоз мусиқаси уйғунлашган яъни умумлашган ҳолда мужассам топганини кўришимиз мумкин. Шубҳасиз, композитор – ўзбек санъати ривожини учун кенг маънода самарали фаолият олиб борган ва сермахсул ижод намуналарини тақдим эта олган буюк ижодкордир.

Нодир истеъдод соҳиби Мухтор Ашрафий 1812-йил 11-июнда Бухоро шаҳрида мусиқачилар оиласида таваллуд топади. Унинг отаси Ашрафжон ҳофиз – ўз даврининг йирик ҳофизи, уста дуторчилардан бири бўлган. Шу боис, ёш ижодкорнинг мусиқа оламига ошно бўлиши жуда эрта уйғонади ва ёшлигидан илк мусиқий сабоқларни Абдурауф Фитрат томонидан ташкил этилган Шарқ мусиқа мактабида элга танилган машҳур созандалар Акамулло Тоҳиржон Давлатзода ва моҳир найчи Абдуқодир Исмоиллардан олади. Ушбу бошланғич мусиқий сабоқлар келгусида Мухтор Ашрафийнинг ўзига хос композиторлик услубини шаклланишида ва буюк санъаткор бўлиб етишига замин яратади. Кейинчалик, у 1928- йил Самарқанд шаҳрида очилган Ўзбекистон Мусиқа ва хореография институтига биринчилар қаторида ўқишга киради. Ўша йиллар мобайнида у мусиқа соҳасида таълим олиш билан бир қаторда машҳур этнограф олим Н.Н.Миронов раҳбарлигида жуда кўплаб фольклор экспедицияларида бўлиб, ўша даврнинг моҳир созандалари билан танишади ва улар ижросидаги турли хил ўзбек халқ кўшиқ куйларидан баҳраманд бўлади. Шу тариқа унда мусиқа дунёсининг сир-синаотларини яқиндан ўрганиш туйғуси уйғонади ва талабалик

давридаёқ у Бухоро халқ кўшиқ куйларини нотага туширади. Ўзининг ижодий фаолияти давомида дўстлари Толибжон Содиков ва Шариф Рамазоновлар билан биргаликда симфоник оркестр учун «Садраш» номли марш жанридаги илк асарини яратади. Шу асарнинг яратилиши боис ёш ижодкор институтда ташкил этилган талабалар оркестрига илк мартаба дирижерлик қилади.

Мухтор Ашрафий композиторлик фаолиятини мустақил равишда 1930- йилдан бошлайди. У мамлакатимизда симфоник мусиқа санъатини ривожлантириш мақсадида ўзбек композиторлари қаторида биринчилардан бўлиб, симфоник оркестр учун партитураларни яратади. Композитор ижодининг дастлабки жараёнида Комил Яшиннинг “Ичкарида” номли мусиқали драмасига асарлар ва симфоник оркестр учун “Қурилиш” маршини ёзади. 1931-1934-йиллар мобайнида “Ўзбекистон давлат мусиқали театри”да бадиий раҳбар ва бош дирижер сифатида фаолият олиб боради. Шу билан бир қаторда у ўзининг композиторлик фаолиятини чуқур эгаллаш ва такомиллаштириш мақсадида 1934-1937 йиллар оралиғида Москва давлат консерваторияси қошида ташкил этилган Ўзбек опера студиясида буюк композитор, профессор С.Н.Василенкодан композиция асосларини ўргана бошлайди. Ёш ижодкор 1937- йилда Москвада ўтказилган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ўн кунлигида дирижер ва мусиқа раҳбари сифатида фаол иштирок этиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони билан тақдирланади.

Композитор ўзбек мусиқа санъатининг янги шакллари пайдо бўлишига жумладан, сахнавий асарлар қаторида ўзбек опера жанрининг шаклланиши ва ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган. Ҳаттоки, бундан аввалроқ ўзбек мусиқали драмасининг раванқ топиши ҳамда такомилланишида ҳам мусиқачи-ижодкор сифатида фаол иштирок этганлиги барчага маълумдир. 1939-йил 11-июн санасида Ўзбекистон мусиқа маданияти жамоатчилиги М.Ашрафий ва С.Н.Василенко ҳамкорлигида, драматург К.Яшин либреттоси асосида яратилган “Бўрон”номли илк ўзбек операсини қарши олишади. Ушбу мусиқий асарнинг яратилишида ўзига хос услубга эга бўлган икки серқирра ижодкорларнинг самарали ижод фаолияти асос бўла олди. Шубҳасиз, бу борада муаллифнинг ўзи қуйидагича фикрларни келтириб ўтган: “Буюк совет композиторларидан бири ва устозим Москва консерваторияси профессори Сергей Никифорович Василенкони биринчи ўзбек операсини яратишда муҳим рол ўйнаганини катта мамнуният билан қайд этаман. С.Н.Василенконинг

иштирокисиз, айниқса қисқа вақт ичида бундай катта ва машаққатли ишларни амалга ошириш мумкин эмас эди. С.Н.Василенко йирик композитор ва шу билан бирга Шарқ халқлари муסיқасини ажойиб тарзда билгувчи ва уни чуқур ҳис этиб тушунган ҳолда гармония ҳамда контрапункт билан бойитиш, безаш воситаларини мукаммал биладиган ижодкор”¹. Бу икки муаллифларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида кейинчалик яна бир опера “Улуғ канал” операси яратилади. Ушбу операни яратиш ғояси муаллифларга Буюк Фарғона канали қурулиши жараёнида уни қурган халқ билан бўлган мулоқот пайтида келади. Бу операни яратишда композиторлар асосан ўзбек мумтоз халқ муסיқаси хазинасидан жой олган бир қатор куй- кўшиқлар (“Баёт”, “Ушшоқ”, бухорча “Рак”, “Кўшчинор”, фарғонача ялла, лапарлар) дан фойдаланган. Кейинчалик эса, 1958-йилда Мухтор Ашрафий мустақил равишда А.Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони асосида К.Яшин ва М.Мухамедовларнинг либреттосига ўзининг мазмунан чуқур маънога эга “Дилором” операсини ёзади. Хусусан бу операда ҳам композитор миллий муסיқамизга хос бўлган куйлардан ва ҳаттоки тожик, миср, ҳинд ҳамда эрон халқларининг муסיқий куй оҳангларидан кенг фойдаланган. 1962-йилда у атоқли шоир, маърифатпарвар Фурқат сиймосига бағишлаб, И.Султон либреттоси асосида “Шоир қалби” номли операсини яратади. Опера мазмунида Фурқатнинг бой адабий мероси акс этирилган. Шоирнинг халқпарварлиги, ватанига, халқига муҳаббати, дўстлик ва садоқат каби ҳис-туйғулари композиторда ушбу операни ёзишга ундади. Композитор ижодида опера жанрининг яратилиши ўзбек муסיқа санъатида кўп овозли муסיқа услубларининг кенг оммалашганини кўрсатади. Бу эса, кейинчалик мамлакатимизда хор санъатининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам жуда катта таъсир кўрсатган.

М.Ашрафий ижодида балет жанридаги сахнавий - мусий асарлар ҳам ўрин эгаллаган бўлиб, ушбу жанрда у бир қатор ўзига хос бетакрор муסיқалар ёзган. Жумладан, Г.Миллер либреттосига “Севги тумори”, ўзининг либреттоси асосида “Темурмалик”, А.М.Камел либреттосига “Матонат” ва М.Ашрафий ҳамда Г.Гелова либреттосига “Муҳаббат ва қилич” каби балетларидир. Бундан ташқари симфоник ва симфоник-вокал муסיқа жанрларида ҳам турли хил асарларни яратган. Буларга мисол тариқасида куйидагиларни мисол қилиб келтириб ўтишимиз мумкин: “Қаҳрамонлик” симфонияси, С.Айний хотирасига бағишлаб ёзилган “Темурмалик” симфоник поэма-

¹ Ашрафи М. Музыка в моей жизни. Сборник статей. [Науч. ред. А.М.Рыбник]. Т., 1975.

рапсодияси, “Байрам шодиёнаси” увертюраси, учта симфоник сюита, Т.Фаттоҳ шеърига “Бахт кўшиғи” кантатаси, А.Козловский билан ҳамкорликда хор ва оркестр учун “Буюк саркарда” кантатаси, “Ўзбекистон” кантатаси, “Даҳшатли ишлар” вокал-симфоник поэмаси, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си асосида “Рустам ҳақида дoston” эпик-ораторияси, “Субҳидамда” номли симфоник асарлари ва бошқалар.

Серкирра ижодкор ҳаттоки, кино оламида машҳур бўлган бир қатор кинофильмларга ҳам бир-биридан гўзал, жозибадор мусикаларни яратган. Буларга “Момоқалдиروقда туғилганлар”, “Кониюта горининг сири”, “Дилором” фильм-опера, “Қадим қалъа афсонаси”, “Семурғ”, “Ганг дарёсида тонг” каби асарларни айтиб ўтиш мумкин. Юқорида келтириб ўтилган асарлар ҳали ҳам халқ орасида машҳур ва дилга яқин наволар ҳисобланади. Чунки композитор ижодининг кўплаб намуналарида ўзбек халқининг узок тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий мумтоз куй –кўшиқлари сермазмун оҳангларда акс эттирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, устоз композиторнинг ижодидаги ҳар бир мусиқий асарлар ўзининг нафис, ёрқин, жозибадор, бетакрор, халқга яқин дилкаш куй-оҳангларга бой эканлиги билан ажралиб туради. Бу дилга яқин наволар тингловчини ажиб сеҳри, мунгли дардлари ила ўзига жалб этади. Улар чин дилдан ёзилган самимий, ёрқин, бетакрор, айна дамда фалсафий, сермазмун оҳанглар бўлгани учун ҳам кенг оммага машҳурдир. Мухтор Ашрафий ижодига мансуб кўплаб асарлар ҳали хануз катта –кичик саҳналарда, турли мусиқий танловларда, телевизион кўрсатувларда шунингдек, санъат билим даргоҳларида мукамал ижро дастури сифатида мунтазам янграб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ашрафи М. «Музыка в моей жизни». Сборник статей. [Науч. ред. А.М.Рыбник]. Т., 1975;
2. А.Ҳ.Жабборов. «Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари», «Янги аср авлоди», Т., 2004-йил;
3. Т.Е.Соломонова. «Ўзбек мусиқаси тарихи», «Ўқитувчи», Т., 1981;
4. Янов-Яновская Н.С. “История узбекской советской музыки” II- том. Фафур Гулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти.Т.,1979-й.

5. Абдуллаев С. С. РОЛЬ СРЕДНЕВЕКОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ВОСТОКА В СОЗДАНИИ СЮЖЕТОВ МИНИАТЮРЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ //Inter education & global study. – 2023. – №. 2. – С. 100-108.
6. Laue S., Abdullaev S. S. Legends and True Stories about the Samanid Mausoleum //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 308-311.
7. Botirov, J. S., Bakaev, S. S., Avliyakulov, M. M., Shirinov, A. L., & Abdullaev, S. S. (2021). The same goes for art classes in private schools specific properties. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(2)*.
8. Abdullayev¹ S. F., Abdullayev S. S. TRANSLATION OF CULTURAL VALUES IN THE ARTISTIC HERITAGE OF TRADITIONAL APPLIED ARTS OF BUKHARA.
9. Абдуллаев С. С. РОЛЬ СРЕДНЕВЕКОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ВОСТОКА В СОЗДАНИИ СЮЖЕТОВ МИНИАТЮРЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ //Inter education & global study. – 2023. – №. 2. – С. 100-108.
10. Jurayevich J. K., Sayfullayevich A. S. THE UNIQUE OF BUKHARA JEWS IN THE DYE INDUSTRY AND WEAVING CRAFT //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 48-53.
11. Sayfullayevich A. S. CHALLENGES OF TRAINING FINE ARTS TEACHERS IN THE PRESENT //International Conference on Research Identity, Value and Ethics. – 2023. – С. 348-353.
12. Abdullaev S., Mamatov D. Pedagogical foundations in the teaching of folk arts and crafts of Uzbekistan in the training of teachers of fine arts //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 420. – С. 10019.
13. Olimov S. S., Mamurova D. I. Directions For Improving Teaching Methods //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 9671–9678-9671–9678.
14. Aminov, A. S., Mamurova, D. I., & Shukurov, A. R. (2021, February). Additional and didactic game technologies on the topic of local appearance. In *E-Conference globe* (pp. 34-37).
15. Olimov S. S., Mamurova D. I. Information Technology in Education //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 17-22.

16. Mamurova D., Khusnidinova N. Didactic possibilities of using computer graphics programs in the educational process //BIO Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – T. 84. – C. 02020.

17. Mamurova D. I., Ibatova N. I., Badiyeva D. M. The importance of using the key-stadi innovative educational technology method in training the image module of geometric shapes //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 1. – C. 335-338.

18. Rajabov T. I. The role of bukhara folklore songs in youth education in the system of continuous education. – 2022.

19. Rajabov T. I., Rutamova M. F. The Formation of the Spiritual and Moral Qualities of Students through Folk Songs in Continuing Education is an Urgent Pedagogical Problem //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – T. 2. – №. 2. – C. 404-408.

20. Rajabov, T. I., & Oripov, N. O. (2022). Teaching Folklore Songs Bukhara Children in Continuous Education as a Dolzarb Methodological Problem. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(2), 409-412.

21. Rajabov, T. I., & Rajabov, J. I. (2022). The Formation of Spiritual and Moral Qualities of Students through Folk Songs is an Urgent Pedagogical Problem. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(1), 331-335.

22. Ibodovich, T. R. (2022). PRACTICAL SITUATION OF TEACHING UZBEK MUSICAL FOLKLORE IN THE CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).

23. Ibodovich, R. T. (2021). The Educational Significance of Children's Folk Songs in Music Culture Lessons. *European Scholar Journal*, 2(6), 139-141.